

Яратганнинг ғазабини сўндирадиган амал нима?



11:00 / 05.07.2022 6958

(Икки дунё саодатини ўзида мужассам этган таълим)

Шайх Жалолiddин Суютий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

– Мен шайх Шамсиддин ибн Қамохани ўзининг Абул Аббосий Мустағфирийдан (ҳадис) жамланмаси устида топдим, шунда у (менга бир ҳадисни қандай ўрганганини) ҳикоя қилиб:

“Мен имом Абу Ҳомидил Мисрийдан илм излаш орзусида Мисрга боришга қарор қилдим. У зот билан кўришганда Холид ибн Валиддан ривоят бўлган ҳадисни сўзлаб беришини сўрадим. У зот мени бир йил рўза тутишга буюрди. Бир йил рўза тутиб, сўнгра ўша мақсад илинжида яна у кишининг ҳузурларига қайтдим. Шунда у зот менга ўз шайхидан то Холид ибн Валидгача бўлган санад ила у ҳадисни айтиб берди”, деди.

(У ҳадис қуйидагича эди)

Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу айтадилар:

– Бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб у кишига:

- Мен сиздан дунё ва охираат ҳақидаги баъзи нарсаларни сўрамоқчиман, - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Сенга маълум бўлмаган нарсалар ҳақида сўра,** - дедилар.

- Эй Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам, мен одамларнинг олимроғи бўлишни хоҳлайман?!

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳга тақво қил, одамларнинг олимроғи бўласан!** - дедилар.

- У: Инсонларнинг бойроғи бўлишни яхши кўраман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Қаноатли бўл, инсонларнинг бойроғи бўласан!** - дедилар.

- У: Мен инсонларнинг афзалроғи бўлишни ёқтираман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Инсонларнинг яхшиси - уларга фойдаси тегадиган кишидир, инсонларга манфаат етказувчи бўлгин!** - дедилар.

- У: Инсонларнинг одилроғи бўлишни яхши кўраман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Ўзинг яхши кўрган нарсани, бошқа одамлар учун ҳам яхши кўр, инсонларнинг одилроғи бўласан!** - дедилар.

- У: Мен Аллоҳга инсонларнинг хосроғи бўлишни хоҳлайман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳ зикрини кўпайтир, Аллоҳ таолога бандаларнинг хосроғи бўласан!** - дедилар.

- У: Эҳсон қилувчилардан бўлишни яхши кўраман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳга Уни кўриб тургандек, агар ундай қилолмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қил,** - дедилар.

- У: Иймоним комил бўлишини ёқтираман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Хулқингни гўзал қил, иймонинг комил бўлади!** - дедилар.

- У: Тоат қилувчилардан бўлишни яхши кўраман?! - деди.

- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳнинг фарзларини адо қилгин, тоат қилувчилардан бўласан!** – дедилар.
- У: Аллоҳга гуноҳлардан пок ҳолда йўлиқишни яхши кўраман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Жанобатдан яхшилаб ғусл қилсанг, қиёмат куни Аллоҳга гуноҳсиз ҳолда йўлиқасан!** – дедилар.
- У: Қиёмат куни нурли ҳолда ҳашр қилинишимни яхши кўраман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Ҳеч кимга зулм қилма! Қиёматда нурли ҳолда ҳашр қилинасан!** – дедилар.
- У: Роббим таборака ва таоло менга раҳм қилишини яхши кўраман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Ўзингга ва Аллоҳнинг яратганларига раҳм қил, Аллоҳ сенга раҳм қилади!** – дедилар.
- У: Гуноҳларим оз бўлишини хоҳлайман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳга истиғфор айт, гуноҳларинг камаяди!** – дедилар.
- У: Одамларнинг карамлироғи бўлишни хоҳлайман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳ ҳақида унинг халқига шикоят қилма, инсонларнинг карамлироғи ва улуғроғи бўласан!** – дедилар.
- У: Ризқимнинг кенг бўлишини хоҳлайман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Доимо таҳоратли бўл! Ризқинг кенгайтирилади!** – дедилар.
- У: Аллоҳ ва Унинг расулига суюкли бўлишни хоҳлайман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳ ва Унинг расули яхши кўрган нарсаларни яхши кўр, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ғазаб қилган нарсага сен ҳам ғазаб қил!** – дедилар.
- У: Аллоҳнинг норозилигидан омонда бўлишни хоҳлайман?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Ҳеч кимга ғазаб қилма, Аллоҳнинг ғазаби ва норозилигидан омонда бўласан!** – дедилар.

- У: Аллоҳ айбларимни яширишини истардим?! – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Биродарларинг айбини яширсанг, Аллоҳ сени айбларингни яширади!** – дедилар.
- У: Менинг хатоларимни ўчириб юборадиган нарса нима? – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Аллоҳдан қўрқиб тўкилган кўз ёши, хузуъ ва касалликлар!** – дедилар.
- У: Аллоҳнинг наздида яхшиликнинг қайси бири афзалроқ? – деди.
- У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **Ўусни хулқ, тавозеъ, балоларга сабр қилиш ва қадарга рози бўлиш!** – дедилар.
- У: Аллоҳнинг наздида қайси гуноҳ улкан? – деди.
- У зот: **Ёмон хулқ ва бахил бўлиш!** – дедилар.
- У: Роҳманнинг ғазабини сўндирадиган амал нима? – деди.
- У зот: **Махфий садақалар қилиш ва силаи раҳм!** – дедилар.
- У: Жаҳаннам ўтини нима ўчиради? – деди.
- У зот: **Рўза!** – дедилар.

“Мунтахабу Канзул уммол” китобидан

Алишер Абдураззақов таржимаси